ВЛИЯНИЕ МЕЖДУНАРОДНОЙ МИГРАЦИИ НА ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

THE INFLUENCE OF INTERNATIONAL MIGRATION ON IDEOLOGICAL PROCESSES

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ВА ТАЪЛИМ МИГРАЦИЯСИ

Виктор Алимасов,
фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон ДСМИ профессори
Баҳром Жумаев,
Қарши ДУ тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада қишлоқ ёшларининг шаҳарларга келиши билан боғлиқ ижтимоий миграцион жараёнлар (таълим миграцияси) масалалари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: миграция, таълим миграцияси, ёшлар, шаҳар, қишлоқ, маданият, урбанизация, кўчиш.

Қишлоқ ёшларининг махсус таълим олиш, касб - кор орттириш билан боғлиқ шаҳарларга келиши, қолиб кетиши ёки шаҳар муҳитига адаптациялашувини "таълим миграцияси" дейиш мумкин. Илмий адабиётларда миграцияга турли таърифлар берилади, унинг илмий-этимологик талқинлари келтирилади. Уларда ички ва ташқи, миллий ва халқаро, иш ва оила билан боғлиқ кўринишлари борлиги қайд этилади (1;2;3;4). Лекин улар ичида "таълим миграцияси" деган тушунча учрамайди. Ваҳоланки, қишлоқ ёшларининг шаҳарларга кўчиб ўтиши, миграцияси аввало уларнинг махсус таълим олиш, замонавий касб-кор эгаллаш мақсадлари билан боғлиқдир. Демак, таълим миграцияси қишлоқ ёшларининг шаҳарларга кўчиб келишини характерловчи бош омилдир.

Биз қишлоқ ёшларининг барчаси таълим миграцияси таъсирида турар жойини ўзгартиради, қишлоқ ҳаёт тарзини шаҳар маданиятига, урбанизациясига алмаштирди, деган кескин фикрни билдиришдан йироқмиз. Иккинчи бош омиллардан бири меҳнат миграциясидир. Қишлоқ жойларида иш ўринларининг камлиги, меҳнат ҳақининг пастлиги, қўл меҳнатининг устуворлиги қишлоқ ёшларини шаҳарларга қатнашга мажбур қилади.Меҳнат миграцияси ўзининг хусусиятларга, ижтимоий-психологик мотивлар ва установкаларига эга, шу боис у алоҳида тадқиқ этиладиган мавзудир. Бизнинг диққатимиз таълим миграциясига қаратилгандир.

Қарши давлат университетига 1992 йили асос солинган бўлиб, унда 26 факультет мавжуд. Бугун унда 21,5 мингдан зиёд талаба таълим олади. Мазкур талабаларнинг 75-80 фоизи, туман ва қишлоқ жойларидан келган ёшлардир. Бу кўрсаткичлар, бизнинг ҳисоб-китобларимиз ва кузатишларимизга кўра, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида 65 фоизни, Тошкент ахборот-технологиялар университетининг Қарши филиалида 40-45 фоизни, Тошкент кимё-технологиялар институтининг Шаҳрисабз филиалида 70 фоизни, Қарши Халқаро университетда эса 55 фоизни ташкил этади. Демак, Қашқадарё вилоятидаги олий ўқув юртларига таълим олаётганларнинг асосий қисмини туман ва қишлоқ ёшлари ташкил қилади. Бу таълим миграциясига жиддий таъсир кўрсатаётган ижтимоий омилдир. Эътиборли жиҳати шундаки, қишлоқ ёшлари-талабалари ичида қизларининг сони ошиб бораётгани кузатилади. Масалан, Қарши давлат университетига 2021/2022 ўқув йили бакалавриатга ҳужжат топширганларнинг 47 фоизи, 2022/2023 ўқув йилида 48 фоизи, 2023/2024 ўқув йилида эса 51,5фоизи хотин-қизлар бўлган. Умуман, Қашқадарё вилояти ёшларида замонавий билим ва касб-кор эгаллашга бўлган қизиқиш ҳатто шўролар пайтида ҳам юқори бўлган.

Таълим миграцияси турли вилоятлар ва олийгоҳларда турлича намоён бўлади. Масалан, у Сурхондарё вилоятидаги олийгоҳларда ўртача 38-40 фоизни, Қашқадарё вилоятида 60-62 фоизни, Тошкент шаҳрида 63-65 фоизни ташкил қилади. Демак, қишлоқ ёшларида шаҳарда, айниқса пойтахтда махсус билим олишга интилиши юқори. Бу ижтимоий-маданий тараққиётда шаҳарлар ролининг ошиб бораётганидан, замонавий билим ва касб-корни асосан шаҳарлар тақдим этаётганидан, қишлоқ ёшлари ушбу имкониятдан фойдаланишга интилаётганидан далолат беради. Тарихий манбалар кўрсатадики, шаҳарлар мудом аҳолини, айниқса ижтимоий фаол ёшларни ўзига жалб қилиб келган. Агломерация ўзагини ёшлар ташкил қилган, меҳнат тақсимотининг ривожланиши, маданий бойликлар ва ихтиролар ҳам асосан ёшлар шижоати, дадиллиги маҳсулларидир.

Қишлоқ ёшларининг ўзига хос этнодифференциал ва психологик хусусиятлари мавжуд. Улар:

биринчидан, меҳнатга, қийинчиликларга очиқдирлар. Яъни қишлоқ ҳаёт тарзи, муҳити ва шарт-шароити уларни ҳар қандай меҳнатга, қийинчиликка чидашга ўргатган. Улар меҳнатдан, қийинчиликлардан нолиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди.

Иккинчидан, уларга муносабатларда очиқлик, поклик, ҳатто соддалик хос. Улар ҳийла ишлатишни, бировга тузоқ қўйиш, зимдан ўч олишни билишмайди. Ақл айёрлигидан фойдаланиш уларга ёт.

Учинчидан, улар таълимни соф фаолият тури сифатида идрок этадилар.Таълим ҳам айёр ақл ўйинига бўйсунишини улар деярли билишмайди. Ушбу соддалик шаҳарликларда тааҳҳуб, ҳайрат уйғотади. Шаҳар маданиятидаги ранг-баранглик, усти ялтироқлик, мобиллик, барча нарсани пул билан баҳолаш, фойда кўриш мақсадида ишлаш қишлоқ қишисини тааҳҳубга солади. Унинг бу тартибларга кўникиши секин ва қийин рўй беради (5).

Қишлоқ ёшларидаги шаҳар турмуш тарзи ва маданиятига қизиқиш ўзидан ўзи шаклланмайди. Оммавий ахборот воситалари, интернет, урбанизация ютуқлари, илмий-техник кашфиётлар, интеллектуал бойликларнинг шаҳарларда яратилиши ва сақланиши қишлоқ ёшларида ҳавас уйғотади. Демак, қишлоқ ёшлари миграциясини бошқариш, йўлга қўйиш мумкин. Аммо улар шаҳар билан қишлоқ яқинлашувини, қишлоқ ҳаётини шаҳар маданиятига мувофиқлашувини тўхтатишга қаратилиши мумкин эмас. Ички миграция ижтимоий-маданий ҳаётни ранг-баранглаштиради, локал этнохусусиятларнинг интернационаллашувини таъминлайди, миллий маданиятга динамизм бахш этади. Инсоният маданияти ва тараққиёти шаҳарлашув жараёнларининг маҳсули экан, қишлоқ миграцияси, шу жумладан, қишлоқ ёшларининг таълим миграцияси ҳам, объектив воқелик сифатида давом этади.

Таълим миграциясига шаҳарлардаги малака ошириш институтларига, ўқув марказларига, репититорларга қатнашлар ҳам киради. Бундай таълим даргоҳлари асосан

шаҳарларда мавжуд. Масалан, биргина Қарши шаҳрида 60 га яқин ўқув марказлари, 4та малака ошириш институти фаолият юритади. Улардаги ўқувчиларининг ярмидан зиёди туман ва қишлоқ ёшларидир. Таълим миграцияси уларга олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик кўришда ёрдам беради. Малака ошириш институтлари тингловчиларининг деярли барчаси туман ва қишлоқларда истиқомат қилувчи мутахассислардир. Улар вақтинча ёки қисқа вақтга мигрантлар ҳисобланади. Демак, миграция қисқа муддатли ҳам бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1.Волох В., Шорохова С., Суворова В. Миграция населения: теория и практика. -Москва: Изд.дом УМЦ,2024.

2. Ионцев В. Международная миграция населения и демографическое развитие. -Москва: Проспект,2014.

3. Окладникова Е. Трудовая миграция. -Москва: Директ-Медиа,2017.

4.Ионцев В., Воробьева О. Международная миграция. -Москва: НМЦ, 2008.

5. Максакова Л.П. Миграция населения Узбекистана. -Тошкент: Узбекистан,1986.